



TOSHKENT DAVLAT
SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

TURKOLOGIYA TURKOLOGY


XALQARO ILMIY JURNAL

ISSN 2181-2101

2021

3

ISSN 2181 – 2100



TURKOLOGIYA TURKOLOGY



**TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI
ILMIY JURNALI**

**НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES**

3
2021

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги рўйхатидан ўтган
(№ 1129, 11.11.2020 й.) ISSN 2181 – 2100

Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Қ. Омонов	<i>филология фанлари доктори, профессор (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
Х. Ҳамидов	<i>филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (масъул котиб)</i>
Б. Тўхлиев	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Қ. Содиков	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ш. Усмонова	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ҳ. Дадабоев	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Н. Раҳмонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Б. Каримов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Дж. Шабанов	<i>филология фанлари номзоди, доцент</i>
П. Кенжаева	<i>филология фанлари доктори, доцент</i>
Н. Абдуллаев	<i>сиёсий фанлар номзоди, доцент</i>
А. Назаров	<i>сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
М. Исҳоқов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
Д. Сайфуллаев	<i>тарих фанлари доктори, доцент</i>
Х. Файзиев	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
З. Алимов	<i>тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
Т. Расулов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Н. Холматов	<i>иқтисод фанлари номзоди</i>
З. Қодирова	<i>иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
М. Воҳидова	<i>иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
Р. Баҳодиров	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Д. Пўлатова	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
А. Шоназарова	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
А. Гурер	<i>Туркиянинг Анқара университети профессори</i>
Х. Байдемир	<i>Туркиянинг Отатурк университети профессори</i>
Ю. Кўч	<i>Туркиянинг Хожаттепа университети профессори</i>
Н. Телицин	<i>СПбДУ Туркология кафедраси мудири, профессор</i>

Нашрга тайёрловчилар:

Ж. Исмоилов, Г. Раҳимжонов, Т. Исомиддинова

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши
лозим бўлган илмий нашрлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz
web-site: www.tsuos.uz

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ, “ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК” ВА УНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ АҲАМИЯТИ

<i>Содиқов Қ.</i> Маҳмуд Кошғарий келтирган уйғур алифбоси: ҳарф ва товуш муносабатлари.....	4
<i>Ко‘жао‘ғ‘ли Т.</i> Zamonaviy tilshunoslik nuqtai nazaridan Devonu lug‘atit-turk	15
<i>Düzgün Н.</i> Benim Divan-ı lûgat-it türkten farsça çevirim	20
<i>Тўхлиев Б.</i> «Девону луғатит-турк»ка оид айрим мулоҳазалар	26
<i>Avrutina А.</i> History of the study of "Divan-i lûgat at-turk" in Russia	36
<i>Пилипчук Я.</i> Маҳмуд ал-Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асари илк араб графикасидаги турк тили ёдгорликлардан бири сифатида.....	40
<i>Memmedov М.</i> Mahmut Kaşgarlı'nın Dîvânü lûgâti't-türk ansiklopedisinde tanrı / tengri ve tanrıcılık.....	47

МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ТИЛШУНОСЛИК, ЛИНГВОГЕОГРАФИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, СОЦИОЛИНГВИСТИКА СОҲАЛАРДАГИ ХИЗМАТЛАРИ

<i>Рихсиева Г.</i> Маҳмуд Кошғарий феълларда қўшимча маъно ифодаловчи айрим аффикслар ҳақида	53
<i>Омонов Қ., Махмудов Э.</i> “Девону луғатит-турк” Маҳмуд Кошғарийнинг илмий-географик тафаккурининг юксак маҳсули сифатида.....	59
<i>Абдурахманова М.</i> “Девону луғатит-турк” лексикаси таҳлили ҳамда ҳозирги замон ўзбек тилшунослиги олдида турган муҳим вазифалар	66
<i>Usmanova Sh.</i> Kaşgarlı Mahmud'un “Dîvanü lûgatit türk” eserindeki giysi adları	72
<i>İsmailzade N.</i> “Dîvanü lûgat-it türk” eserinde adı geçen coğrafi yer isimleri.....	80
<i>Seferli А.</i> Mahmud Kaşğari və "Divanü lûgat-it-türk" əsəri Azərbaycan tədqiqatlarında.....	83
<i>Ҳамидов Х.</i> “Девону луғатит-турк”даги мақоллар ва ҳозирги турк тили паремиологияси.....	88
<i>Altinboyev N.</i> “Devonu lug‘atit-turk”da kelgan “oila” bilan bog‘liq maqollar tahlili	94
<i>Сатторова З.</i> “Девону луғатит-турк”: таржима ва янги нашрлари хусусида	100

МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ТИЛШУНОСЛИК,
ЛИНГВОГЕОГРАФИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, СОЦИОЛИНГВИСТИКА
СОҲАЛАРДАГИ ХИЗМАТЛАРИ

МАҲМУД КОШҒАРИЙ ФЕЪЛЛАРДА ҚЎШИМЧА МАЪНО
ИФОДАЛОВЧИ АЙРИМ АФФИКСЛАР ҲАҚИДА

Рихсиева Гулчехра,

*Тошкент давлат шарқишунослик университети ректори,
филология фанлари номзоди, доцент*

Аннотация. Феъл ва унинг турли шакллари туркий тилларда кўп тадқиқотлар учун асос бўлган. Феълнинг нутқда, айниқса, поэтик матндаги семантик маъно қирралари ниҳоятда кенг. Қадимги ёзма ёдгорлик “Девону лугати-т-турк” асарида қўлланган феъл шакллариининг семантикасини тадқиқ этиши лингвопоэтик тадқиқотлар учун ҳам аҳамият касб этади. Ушбу мақола феъл шаклларида қўлланган айрим аффиксларнинг семантик ва поэтик функцияларини очишга қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: феъл, диахрон аспект, аффикс, семантика, лингвопоэтика, қўшимча маъно.

Özet. Türkçede fiil ve onun çeşitli biçimleri birçok bilimsel araştırmaya temel oluşturmıştır. Fiillerin konuşmada, özellikle şiir metinlerinde anlamsal yönleri son derece geniştir. Kaşgarlı Mahmud’un “Divanu Lugatit Türk” (Türkçe Kelimeler Divanı) adlı eserinde kullandığı fiil biçimlerinin anlambilimi açısından incelenmesi, dilbilimsel ve sanatsal açıdan yapılacak araştırmalar için de önemlidir. Bu makalede fiile özgü gramer şekillerinin oluşturulmasında kullanılan bazı eklerin anlamsal ve sanatsal işlevleri ele alınmaktadır.

Anahtar kelimeler: “Divanu Lugatit Türk”, Türkoloji, Sözlükbilimi, fiil, artzamanlı görünüş, ek, Anlambilim, Sanatsal dilbilim, ek anlam.

Туркий тилларда феъл энг қизиқарли ва кўп қиррали тадқиқотларга асос бўлиб келган, унинг синхрон аспектдаги хусусиятларини ўрганиш замонавий тилшунослик учун янги хулосаларни берса, диахрон аспектдаги изланишлар самарасида феълнинг тарихий тараққиёти, шаклларидаги ўзгаришлар ва бугунги кундаги турли талқинларнинг асосини топишда аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ўзбек тилида феъл шакллариининг нафақат тузилиши, балки маъноси ва поэтик вазифа бажариши бўйича ҳам қиёслаб ўрганиш тилимизнинг ҳозирги ҳолати бўйича тадқиқотлар учун ўзига хос фикрлар бера олади деб ўйлаймиз. Чунки “Муайян давр тили ҳолатини таҳлил қилиш жараёнида тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам, поэтика нуқтаи

назаридан ҳам тарихий ёндашувда нафақат даврий ўзгаришларни, балки барқарор шаклларни ҳам ўрганиш тақозо этилади”. (Якобсон, 1975, 96)

Маълумки, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асари энг қадимги ёзма ёдгорлик сифатида кўп соҳалар қатори лингвистик тадқиқотлар учун манба ҳисобланади. Шу сабабли ҳам феъл шакллари ўрганишда тил материал, тўпланган луғат бирликлари илк ёзма манба сифатида, шунингдек, халқ оғзаки ижодини намуналари асосида тил ва нутқ бирликларининг чуқур таҳлили учун алоҳида асос бўла олади.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғати-т-турк” асарида феълларнинг ясалиши, замони, нисбатлари, вазифадор шаклларида ташқари феълларда истак, ҳоҳиш, бажарилмаган ишни бажарилгандай қилиб кўрсатиш сингари қўшимча маънолар ҳосил қилувчи аффикслар ҳақида ҳам кенг маълумот берган. Олим бундай қўшимчаларнинг вазифалари, ясалиш усуллари, ўзак ва қўшимча муносабатлари, фонетик, морфонологик хусусияти ва, энг муҳими, қўшимчаларнинг поэтик маъно ифодалашга хизмат қилиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтган.

Шу ўринда биз феълларда қўшимча маъно ифодаловчи ана шундай аффиксларнинг бир қанчасига тўхталамиз.

“Девону луғати-т-турк”да келган қўшимчалардан бири *-sa*, *-sä* қўшимчасидир. Кошғарий уни *-sadi*, *-sädi* шаклида келтирган. Бунинг сабаби бу қўшимча билан истак, ҳоҳиш маъносидаги феъллар ясаиб, иш ва ҳолатнинг ўтган замонда бўлгани, яъни шу ҳолат юз берганини англатади.

Бу ўринда феъл ясовчи *-sa*, *-sä* қўшимчаси билан истак, ҳоҳиш маъноларини ифодаловчи *-sa*, *-sä* ни қориштирмаслик керак.

Масалан, *-sa*, *-sä* қўшимчаси эски туркий тилда феъл ясовчи қўшимча бўлиб ҳам келади (қarang: Содиқов 2020,315). Муҳими шундаки, бу қўшимча билан ясалган феълларда ҳам, охир-оқибат истак, ҳоҳиш маънолари ифодаланган бўлади. Масалан:

er suwsadi – “киши ва бошқалар чанқади, сувсади”. Кошғарийнинг ёзишича, бу сўзда ҳам истак, ҳам ҳоҳиш маъноси бор (ДЛТ,420)

Ушбу жумлада кечган *suwsadi* феълидаги *-sa*, *-sä* қўшимчаси феъл ясовчидир.

Бу сўз айни маънода ҳозирги ўзбек тилида ҳам сақланган: *сувсади* деймиз; бу “чанқади, чўллади” дегани. Лекин ҳозирги ўзбек тилида *-sa*, *-sä* қўшимчаси ясовчи сифатида унутилгани учун *сувса*- сўзини яхлит лексема сифатида ишлатамиз.

Ёки яна Маҳмуд Кошғарийда:

er qurutsadi – “киши қурт егиси келди” (ДЛТ,435).

er bağirsadi – “кишининг кўнгли жигар истади” (ДЛТ,435).

Буларнинг ўрнида ҳозирги ўзбек тилида *тусади* сўзини ишлатамиз: *кўнгли тусади* сингари; бу “кўнгли шу овқатни тусади; истаб қолди” деганидир.

Ёки яна:

er atin satıǵsadi – “киши отини сотмоқчи бўлди”. Бунинг ўрнида ҳозирги ўзбек тилида “сотгиси келди”; “егиси келди”; “боргиси келди” сингари бирикмалар истак маъносида ишлатилади.

Маҳмуд Кошғарий *satıǵsadi* феълининг маъноси бадий матнда қандай поэтик ва семантик кучга эга эканини кўрсатиш мақсадида шундай шеърни мисол келтирган:

Ewin-barqin satıǵsadi,
Yulu berip yarıǵsadi.
Tirig ersa turuǵsadi,
Aqar saqinč küni tuǵdı.

Ушбу тўртликдаги *ewin-barqin* – “уй-жойини” дегани; *satıǵsadi* – “сотишни истади; сотгиси келди”; ўша биз юқорида айтгандек, истак маъносидадир. *Yulu ber-* “фидо қил-; эвазига бирор нарса бер-” дегани; *turuǵsadi* – “тургиси, яшагиси келди”. Сўнги сатрдаги *saqinč* – “қайғу-алам” маъносидадир.

Келтирилган шеърнинг мазмуни шундай бўлади: “Ўзини қутқаришга қурбон қилсин деб, ёв унинг уйини-жойини сотмоқ истади. У тирик қолмоқ истади. Лекин унга қайғули кунлар туққан эди” (ДЛТ,435).

Булардан ташқари, *-sa*, *-sä* қўшимчаси феълларга қўшилиб, истак, хоҳиш маъноларини ифодалашга хизмат қилади (Содиқов 2020,374–375).

Шу ўринда қуйидаги мисолларга эътибор қаратинг:

ol anıñ tawarın qapsadi – “у унинг молини тортиб олмоқ истади” (ДЛТ,420). Бу жумлада *-sa* қўшимчаси “тортиб ол-” маъносидаги *qar-* феълига қўшилиб, истак, хоҳиш маъносини ифодалаган.

Кейингилари ҳам шундай:

ol suwda čapsadi – “у сувда сузмоқ истади” (ДЛТ,420)

ol yuqaru qopusadi – “у юқори чикмоқ истади” (ДЛТ,420)

men anı körüsädim – “мен уни кўришни истадим”. Кошғарийнинг урғулашича, бу сўзнинг асли *körüsädim* дир (ДЛТ,420)

men seña kelisädim – “мен сенга келишни истадим”. Кошғарийнинг ёзишича, бу сўз *kelisädim* шаклида ҳам қўлланади (ДЛТ,420).

Ёки яна:

ol topıq yuwusadi – “у тўп ва бошқа нарсаларни юмалатишни истади” (ДЛТ,427).

ol meñä tawar yöwüsädi – “у мол билан менинг кўнглимни олмоқчи бўлди” (ДЛТ,427).

ol tam yüqisadi – “у девор ва бошқа нарсаларни йикитмоқчи бўлди” (ДЛТ,427).

ol meñä ton kedürsädi – у менга тўн кийгизмак истади (ДЛТ,435).

Махмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, *-msindi*, *-msindi* кўшимчаси феъл ўзагига қўшилиб, бажарилмаган ишни бажарилгандай қилиб кўрсатишга хизмат қилади. Бу кўшимчани *di*, *-di* билан бирга беришимизнинг боиси шундаки, бундай феъл доим ўтган замонда бўлади. Кошғарий ҳам уни ана шундай шаклда келтирган.

Қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

ol ewkā barīmsindi – “у ҳақиқатда уйга бормагани ҳолда, уйга бораётгандек кўринди” (ДЛТ,287);

ol tariğ tarīmsindi – “у ҳақиқатда тариқ эмагани ҳолда экаётгандай кўринди” (ДЛТ,287);

ol berū kelimsindi – “у бу ёққа келаётгандек кўринди” (ДЛТ,287);

er kūlūmsindi – “киши ва бошқалар кулимсинди, кулаётгандек кўринди” (ДЛТ,287).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида феълнинг асли *bardi* эди, унга *-msindi* кўшимчасини қўшиб, бажарилмаган иш бажарилгандай қилиб кўрсатилмоқда.

Иккинчи мисолда феълнинг асли *tariğ tarīdi* (“дон экди”) эди, кўшимча қўшиб “дон экаётгандай кўринди” маъноси ифодаланган.

Кейинги гапларда феъллар *keldi*, *kūldi* бўлган ҳолда, кўшимча қўшиб, бажарилмаган иш ва ҳолат бажарилгандай қилиб кўрсатилган.

Бу ҳодисанинг қолдиқлари реликт ҳолатда ҳозирги ўзбек тилида ҳам орачора сақланган. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам *кулумсинди* дейилади. Бироқ бу феълнинг маъноси бироз ўзгарган: у “мийиғида кулди; озгина жилмайди” маъноларини англатади. Ёки ҳозир ишлатилаётган *йиғламсинди* сўзида ҳам шундай: “йиғи тўлиб келди-ю, йиғламади” дегани.

Махмуд Кошғарий бундай феълларни тузиш қоидаси ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзади:

“Феълга бу кўшимча қўшилганда, ўзак охиридаги ҳарф *alif* [*a*, *ä*] ли бўлса, *a*, *ä* чўзғиси, *vāv* [*u*, *ü*] ли бўлса, *u*, *ü* чўзғиси, *uā* [*ī*, *ī*] ли бўлса, *ī*, *ī* чўзғиси сақланади. Масалан, ўзакнинг охири *alif* [*a*, *ä*] билан тугаган сўзга мисол: *ol andīn nāñ tilāmsindi* – “у ундан нарса сўраётгандек кўринди”. Яна: *ol pičāk bilāmsindi* – “у пичоқ қайраётгандек кўринди”, аслида қайрамаётган эди. Бу феълларнинг ўзаги, буйруғи *tilā*, *bilā* дир. Буларнинг охири *alif* [*ä*] бўлгани учун, кўшимча қўшилиб, бу хил феъл ясалганда ҳам ўз ҳолида қолади.

Ўзак охири *vāv* [*u*, *ü*] бўладиган сўзга мисол: *ol meñā telim kūlūmsindi* – “у менга кўп кулимсинди, кулаётгандек кўринди”. Яна: *ol yuqaru turumsindi* – “у юқори тураётгандек кўринди”. Аслида у турмаган эди. Бу феълларнинг буйруқ шакли *kūl*, *tur* дир. Бу ўзакларнинг охириги ҳарфи *rā*, *lām* ҳарфлари турғун (чўзғисиз) эди. Бу маънони англатиш учун кўрсатилган ҳарфларга ўзакнинг бош ҳарфидаги чўзғига мос чўзғи орттирилди. Ўзак икки ҳарфли бўлиб, бош ҳарфи *alif* [*a*, *ä*] ли бўлса, у вақт ўзак охирига ҳар қачон *alif* [*a*, *ä*] эмас, *uā* [*ī*, *ī*] чўзғиси орттирилади: *ol ewkā barīmsindi* – “у уйга боримсинди,

бораётгандек кўринди”; *er suwqa qarimsindi* – “киши сувга чиқаётгандек кўринди”. Бу феълларнинг охирги ҳарфи юқорида биз айтган қоидага мувофиқ *alif* [a, ä] қилинмади.

Икки ҳарфли феълларда ўзакнинг бош ҳарфи *yā* [i, i] ли бўлса, ўзак охири ўз ҳолича қолади. Чунончи, *ol ewkā kirimsindi* – “у уйга киримсинди, кираётгандек кўринди”; *ol yarmaq terimsindi* – “у танга ва бошқа нарсаларни теримсинди, тераётгандек кўринди”.

Бу уч ҳарфдан *mīm* доим чўзғисиз бўлади; *sīn* доим *yā* [i, i] ли бўлади; *nūn* ҳарфи ҳам доим турғун (чўзғисиз) бўлади. Чўзғиларнинг ҳаммаси ўзакнинг олдинги ҳарфига мослашади” (ДЛТ, 287).

Юқорида айтилганлардан англашиладики, феълнинг ўзаги [a], [ä] ёки [i], [i] унлилари билан тугаган бўлса, қўшилаётган *-msindi*, *-msindi* қўшимчаси аслидай сақланади. Агар феълнинг ўзагида лабланган [u], [ü] унлилари келган бўлса, лаб уйғунлигига мос равишда, қўшимчанинг олдида ҳам қисқа [u], [ü] унлилари орттирилади: *-umsindi*, *-ümsindi* сингари.

Орттирма нисбатда келган, шунингдек, бир неча бўғинли, яъни кўп ҳарфли феълларда бу қўшимчанинг қўшилиш тартиби шундай. Кошғарий ёзади:

“Уч ҳарфлиларга келганда, *ol anī qačrumsindi* – “у уни ҳақиқатда қочирмагани ҳолда, қочираётгандек, қувлаётгандек кўринди”. Яна: *ol anīñ yazuqīn kečrumsindi* – “у ҳақиқатда унинг гуноҳини кечирмагани ҳолда, унинг гуноҳини кечириётгандек кўринди, кечримсинди”. Бу ерда *rā* ҳарфи *zamma* ли, яъни *vāv* [u] билан талаффуз қилинади. Чунки *qačur* сўзидаги *čīm vāv* [u] ли эди. Уни чўзғисиз қилиниб, *čīm* нинг чўзғиси *rā* га кўчирилди. Уч ҳарфлиларда иккинчи ҳарфдаги чўзғи учинчи ҳарфга кўчирилди, чунки ўрта ўзак охирига бош ҳарфдан кўра яқиндир.

Тўрт ҳарфлиларга келсак, унинг мисоли: *er at suwğarimsindi* – “киши от суғораётгандек кўринди”. Бу ерда ёнидаги *ğayn* ҳарфи *alif* [a] бўлгани ҳолда *rā* ҳарфи *yā* [i] билан талаффуз қилинади, чунки *alif* [a] *yā* [i] га тескари эмас. Икки ҳарфлиларда ҳам аҳвол шундай. Чунончи, *barimsindi* – “боримсинди, бораётгандай кўринди” каби. Лекин *tilämsindi* (“тиламсинди, тилаётгандай кўринди”) сўзи *yā* ли эмас, *alif* лидир. Чунки бу тўрт ҳарфли ўзаги *tilä* дир. Уч ҳарф *mīm*, *sīn*, *nūn* қўшишда *alif* ни ёзувда ташланди, лекин талаффузда сақланди. Яъни *lām* ҳарфи *yā* ли қилинмай, *alif* ли ҳолида қолдирилди. Шундай қилинмаганда, бу уч ҳарфли икки ҳарфли бошқа феъл билан алмашилишга элтар эди. Масалан: *yarındaq tilimsindi* (“у қайиш тилаётгандек кўринди, тилимсинди”) гапидаги *tilimsindi* феълени *tilimsindi* феъли билан адаштиришга, шубҳага сабаб бўлар эди. Шунга ўхшаш, *pičäk bilämsindi* (“пичоқ қайраётгандек кўринди”) гапидаги *bilämsindi* феълида ҳам *yā* [i] чўзғиси орттирилса, *iš bilimsindi* (“ишни биладигандек кўринди”) гапидаги *bilimsindi* феъли билан адаштириш юзага келар эди. Ҳолбуки, булар бири уч ҳарфли, иккинчиси икки ҳарфли, тамом бошқа феъллардир. Уч ҳарфли феълларда сўзнинг ўртасидаги чўзғи сўнгги ҳарфга кўчирилиш қоидасини юқорида

айтган эдик. Масалан, *qačur*, *kečür* феълларида *čim* ҳарфининг *vāv* [*u*, *ü*] чўзғиси ташлангач, ташланган *vāv* [*u*, *ü*] чўзғиси *rā* га кўчирилди: *qačrumsindī* – қочи-раётгандай кўринди. *alif yā* га тескари бўлмагани учун, ўз ҳолича қолдирилади, аммо *vāv* чўзғиси *yā* га тескаридир. Шунинг учун ўзгартирилиб, *yā* қилинди, деган қоида юқорида баён қилдик.

tođğurumsindī – “тўйдираётгандек кўринди”; *ol anī tođğurumsindī* – “у уни тўйдираётгандай кўринди”.

Бу баён қилган қоидаларим барча туркий тилларда ҳамма феъллар учун умумийдир. Ҳеч бир нарса (феъл) бундан четда қолмайди. Бу хил феълларда бу маънони англатмайдиган биргина беш ҳарfli феълдан бошқа бир сўз йўқ. У *ol meñā yaramsindī* (“у менга хушомад қилди, ялтоқланди”) феълидир” (ДЛТ,288).

Кўринадики, орттирма нисбатдаги *qačur*-, *kečür*- феълларига *-msindī*, *-msindī* қўшимчаси қўшилганда қўшимча олдида орттирилаётган қиска [*u*], [*ü*] унлилари ҳисобига нисбат қўшимчасидаги лабланган [*u*], [*ü*] унлилари туширилади; *suwğar*-, *tođğur*- феълларига қўшилганда эса ҳеч бир ўзгариш бўлмайди. Кошғарий келтирган ушбу қоидалар сўзнинг фонетик-фонологик структураси ва ўзак ҳамда қўшимчанинг семантик муносабатини очиқ беришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қадимги ёзма ёдгорлик бўлган Маҳмуд Кошғарийнинг девони орқали феъл шакллариининг тараққиётини кўриш учун ниҳоятда қизиқарли материалларни топиш мумкин, бу асар тилшунослар учун ҳозирги кунгача асос манба бўлиб келмоқда. Юқорида келтирилган айрим мисолларнинг ўзигина тил бирликлариининг семантикаси, хусусан, феъл шакллариининг маъно товланишлари бўйича қатор изланишларни талаб этиши аниқлигини кўрсатмоқда, бу эса лингво-поэтик тадқиқотлар доирасида диахрон аспектдаги ёндашувлар асосида янги илмий хулосаларни келитириб чиқаради.

Фойлаланилган адабиётлар:

1. ДЛТ – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2017.
2. Якобсон Р. Лингвистика и поэтика. // Структурализм: "за" и "против". М., 1975. С. 193-228.
3. Содиқов 2020 – Содиқов Қ. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент, 2020.